ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

...таъминотдаги узилишларда истеъмолчи сифатида «улуш»имиз борлигини унутмаслигимиз керак. ...Тўловни муддатида амалга оширмаслик уларнинг нормал фаолият юритишига тўскинлик қилаётгани шубҳасиз.

2 бет

ИЧКИЛИКБОЗЛИКНИНГ МУДҲИШ ОҚИБАТИ

...«Володяни нега ўлдирдингиз» деган саволга Костя «олиб келган арағини миннат қиладиган улфатга бундан бошқача яна қандай жазо бериш мумкин», қабилида жавоб берди. Мана сизга оқ арағнинг қора иши...

3 бет

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛСИН ОЛАМ

Инсонни улуғлаш ҳам, камситиш ҳам ҳар бир кишининг қўлидан келади. Бироқ, яна шуни унутмаслик керакки, ҳаёт – бу тарози. Дунёда ҳеч бир иш жавобсиз қолмайди.

9 бет

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

– Бир йигитда қасдим бор, шу бугун у билан ҳисоб-китоб қилмасам, кўнглим жойига тушмайди. Уч-тўрт кун олдин мен йўқлигимда уйимга келиб, онамни ҳақорат қилибди. Унга қўл кўтарибди, номард.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 28-fevral, № 09 (582)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

КЕЛАЖАКНИНГ ЁРУҒ УМИДЛАРИ

Республикамизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида аҳамият берилаяпти. Бунинг давоми сифатида 2008 йил мамлакатимиз Президенти томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Ёшларга яратилаётган имкониятларнинг барчаси эртанги кунга қўйилаётган мустаҳкам пойдевордир. Дарҳақиқат, юрт келажаги ёшлар қўлида.

Ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 42 фоизини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, соғлом ҳамда баркамол вояга етишларини таъминлаш мақсадида муҳим қонунлар қабул қилинган ва кенг қўламли давлат дастурлари амалда татбиқ этилмоқда.

Маҳалла ҳамда оилада вояга етмаганларга эътиборни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларга билим бериш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасида кўплаб чора-тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар қилинмоқда.

Юқоридаги чора-тадбирлар ижроси юзасидан ўтган йилда ҳудудий комиссиялар томонидан 1726 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Кўмакка муҳтож бўлган 138 минг 718 нафар болага амалий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, 6132 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий ишлар кўрилиб, тўғри йўл-йўриқлар кўрсатилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да амалга оширилган хайрли ишларда «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, боқувчисини йўқотган болаларга давлатимизнинг эътиборини кучайтириш, шу тариқа «Сен ёлғиз эмассан» деган даъватни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ишлар алоҳида ўрин тутади. Чунончи, ўтган йили 15 та махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик» уйларида жами 4,8 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 млн. сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар етказиб берилди. Давлат бюджетидан 4,6 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланиб, 28 та «Меҳрибонлик» уйи ва 85 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат 114 та замонавий автобус, 4 та оилавий болалар уйи эса «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланганлиги фикримиз исботидир.

Амалий ишлар давомида бундай болаларнинг спорт билан шуғулланишларига катта эътибор қаратилиб, улар ўртасида турли мусобақалар ўтказилиб келинди. Жумладан, Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада ўйинлари ташкиллаштирилди. Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида «Мурувват» уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида «Спешл Олимпия» мусобақалари ўтказилди.

Шу билан бирга, вояга етмаганларнинг соғлигини муҳофаза қилиш масалалари ҳам комиссиянинг эътиборидан четда қолмади. Аниқланган муаммоларни ҳал этиш, болаларда мавжуд касалликларни аниқлаш, ногирон болаларга имкон қадар соғайиб кетишлари учун ёрдам бериш юзасидан тегишли идораларга киритилган таклифлар ижобий ҳал этилаётганлиги бу ишга эътибор кучайтирилганлигидан далолат беради. Жумладан, ўтган йили Корея Республикасининг Сеул университети бир гуруҳ мутахассислари томонидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида «Меҳрибонлик» уйларида ва кам таъминланган оилалардаги туғма нуқсони бўлган 100 нафар бемор, шу жумладан 30 нафар ногирон бола пластик операция қилинди.

Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайтирилганлиги натижасида вояга етмаганлар муҳитида қонунчилик аҳволи бирмунча яхшиланди. Жиноятчилик суръатлари 2006 йилга нисбатан ўтган йилда 3,7 фоиз, ўз жонига қасд қилиш 10,8 фоизга пасайганлиги бу борада қилинаётган ишларнинг бесамар кетмаётганлигидан далолатдир. Бинобарин, ушбу қатламга эътиборни қанчалик кучайтирсак, нафақат жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олган, балки жамият равнақига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Зафар ТУРСУНОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

САРҲИСОБ

Ҳакимбой ҲАЛИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори

Мақсадимиз – қонунийликни таъминлаш

Ўтиш жараёнининг асосий босқичларидан бири давлат бош ислоҳотчи бўлса, яна бири ислоҳотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Эътиборга молик жиҳати шундан иборатки, мамлакатимизда ана шу ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ҳар сафар таъкидлаганларидек, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки ислоҳот халқ учун, халқнинг фаровонлигини ошириш, яшаш шароитларини яхшилаш учун амалга оширилаётганлигини амалда кўриш мумкин. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларининг изчил давом этиши натижасида иқтисодиётнинг ўсиши ва макроиқтисодий барқарорлиги, инфляция даражасининг пасайиши, аҳолининг иш билан бандлиги ва турмуш даражаси ошиши таъминланмоқда.

Қилинаётган ишлар ўзининг натижаси билан аҳамиятлидир. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлисида ўтган йилдаги ислоҳотларимиз натижаси сарҳисоб қилиниб, келажакдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўтган «Ижтимоий ҳимоя» йилида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 75 та текшириш натижасига кўра 679 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 413 шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, 32 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, «Ўзбекистон почтаси» ҲЖ Элликқалъа тумани Қилчиноқ алоқа тармоғи мансабдор шахслари томонидан пенсионерларнинг жами 52 млн. сўмлик нафақалари талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов даврида зарар тўлиқ ундирилди ва пенсионерларга тарқатиб берилди. Қилчиноқ алоқа тармоғи собиқ бошлиғи С.Ешчанов суд томонидан қонуний жазога тортилди.

Бир нарсага алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Юртимизда иқтисодиётнинг изчил ривожланиши, авваломбор, кенг қўламли инвестицияларни жалб қилишга боғлиқдир. Бу масалага мамлакатимизда асосий вазифалардан бири сифатида қараладиганлигини эътироф этиш лозим.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жами 40 та қўшма корхона фаолият юритиб келмоқда. Соҳада фаолият кўрсатмаётган, банкротлик ҳолатига тушиб қолган қўшма корхоналарнинг 7 таси хўжалик судининг қарорига асосан тугатилди.

2006 йилга нисбатан инвестицияни жалб этиш 221,9 фоиз, сервиз ва хизмат кўрсатиш 132,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 115,7 фоиз, чакана савдо айланмаси 113,5 фоизни ташкил этган.

Бу борадаги қонунларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, асосан, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва келгусида бундай салбий кўринишларга йўл қўймаслик учун 12 та тақдимнома киритилди. 4 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилиб, судларга 5,7 млн. сўмлик 1 та даъво ариза киритилди.

Муҳим масалалардан яна бири — 2007 йилда давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги қонунлар ва бу борадаги мамлакат Президенти қарорлари ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан 141,6 млн. сўмлик 15 та мулк хусусийлаштирилиб, ҳақиқий эгаларига топширилди.

Мазкур йўналишда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 14 та текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра 15 та тақдимнома киритилди, 9 нафар шахс расман огоҳлантирилди, 11 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, кимошди савдосида «Шейхжели» АЖнинг мулклари фуқаро М.Жаулибаевга 211 млн. сўмга сотилган. Лекин текшириш жараёнида жамиятнинг 2-цехида турган КМД-2200-1 маркали ускунанинг 22 млн. сўмлик эҳтиёт қисмлари йўқ эканлиги аниқланди. Жамиятни тугатиш бошқарувчиси К.Кайпназаров ваколатини суиистеъмол қилиб, жамиятга кўп миқдорда зарар етказганлиги учун унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қонуний жазо тайинланди.

Ўтган йилда аҳолини иш билан таъминлаш, бандлигига оид қонунлар ижроси ҳам доимий эътиборимизда бўлди.

Қорақалпоғистонда 2007 йилда ишсизлик мақомини олган меҳнатга яроқли фуқаролар 2006 йилга нисбатан 32,4 фоизга камайган. Аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан прокуратура ташаббуси билан 54 марта меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 5089 нафар шахс доимий иш билан таъминланди. Бу ўтган йилга нисбатан 10 та меҳнат ярмаркаси кўп ўтказилиб, ишсиз юрган 549 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди демакдир.

(Давоми 2-бетда).

Мақсадимиз – қонунийликни таъминлаш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Касаначиликни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилган тадбирлар натижасида шу кунга қадар 5087 та иш ўринлари ташкил этилди. 2007 йил давомида 4469 та иш ўринлари ташкил этилиб, асосан уйда ишсиз ўтирган аёллар ва 47 нафар ногиронлар касаначиликка жалб этилди.

Қорақалпоғистон прокуратураси органлари томонидан иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига доир ҳукумат қарорлари ижроси бўйича ўтказилган текширишлар натижасида 503 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 103 нафар жавобгар ва мансабдор шахслар интизомий, 65 нафари маъмурий ва 2 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди. Бюджетдан аҳолининг иш ҳақи бўйича қарздорлигига тўлиқ барҳам берилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси тўқимачилик бирлашмаси бошлиғи А.Сейтмусаев ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа бирламчи харажатлари учун ажратилган жами 14 млн. 285 минг сўмни ўзининг яқин қариндошлари номига ёзиб, иш ҳақи ведомостларини қалбакилаштириш йўли билан талон-торож қилган. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, терговнинг ўзида бирлашмага етказилган барча зарар ундирилди. Иш айблов хулосаси билан судга ўтказилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ўтган йилда юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. Тиббий хизмат сифати янада яхшиланди, врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш орқали аҳолини тиббий хизмат кўрсатиш билан қамраб олиш даражаси бирмунча кенгайди. Ўткир юқумли ва вирусли касалликларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самара берганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Қорақалпоғистон Республикасида оналар ўлими 33,3 фоизга, гўдак ва болалар ўлими 12 фоизга камайди.

Хусусан, 60 та болалар боғчасида ва 452 та мактабда эпидемияга қарши чоралар кўрилиб, дезинфекция ишлари ўтказилди. Ўтказилган мониторинглар натижасида аниқланган камчиликлар бартараф этилиб, 20 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари кўмаги билан ёрдамга муҳтож ногиронларга 8 млн. сўмлик протез-ортопедия ва ногиронлик аравачалари олиб берилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Ўтган йили соғлиқни сақлашга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 235 та прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди. Натижада, 179 нафар жавобгар ва мансабдор шахслар интизомий, 128 нафар шахс маъмурий ва 9 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, 2-сонли республика руҳий ва неврология диспансери бош ҳисобчиси А.Назекеев ҳамда кассир Д.Матчановалар жами 28 млн. сўмлик иш ҳақи ва фойда солиқларини қалбаки ҳужжатлар асосида олиб, талон-торож қилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, етказилган зарар тергов даврида айбдорлардан ундирилди.

Мамлакатимизни ривожлантириш билан боғлиқ яна бир масалани 409 минг 203 гектарни ташкил этади. Бу ер майдонларида 9300 дан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритади. Шундан 139 минг 178 гектар ер шўрланган, ҳолати ёмон ер ҳисобланиб, умумий суғориладиган ер майдонининг 34 фоизини ташкил этади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун олиб борилган комплекс тадбирлар натижасида 23,7 фоиз ернинг ҳолати анча яхшиланишига эришилди.

Президентимиз Ислом Каримов жорий йилнинг 15 февралида Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида жиноятчиликнинг барқарорлигини таъминлаш бу авваломбор, қонунни муҳофаза қилувчи органлар бурчи эканлигини, ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш, юртимизнинг барқарорлигини сақлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва ҳимоясини таъминлаш, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қонун барча учун баробар экани ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррарлиги одамларнинг келажакка бўлган, адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлашини таъкидлаб ўтдилар.

Қорақалпоғистон прокуратура органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишга ҳамма вақт асосий масалалардан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Бу борада ўтган йилдаги ишлар танқидий сарҳисоб қилиниб, келгусидаги вазифаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор мансабдор шахсларнинг жиноятлари фош этилиб, уларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Масалан, Қонликўл туманидаги «Сари Алтин» масъулияти чекланган жамият мансабдорлари 34,6 млн. сўмлик товар-моддий бойликларни талон-торож қилганликлари ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки терговда етказилган зарар тўлиқ ундирилиб, жамият раҳбари К.Ажениязов суд томонидан қонуний жазоланди.

Нукус автомобиль мактаби мансабдор шахслари томонидан мактаб биносини таъмирлаш ишларига қўшиб ёзиш орқали 15,2 млн. сўмни талон-торож қилинганлиги жиноят иши қўзғатишга асос бўлди. Зарар тўлиқ ундирилиб, собиқ мансабдорлар У.Давлетов ва К.Юсуповларга нисбатан суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Юртимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинишини ёшларга билдирилган юксак ишончдир. Фарзандларимизни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли қилиб тарбиялаш нафақат давлат, балки ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Сўнгги пайтларда бозорларда, бекатларда лазер дисклар билан савдо қилаётганларни кўплаб учратадиган бўлиб қолдик. Ҳар хил мусиқий альбомлар, турли жанрдаги кинофильмлар жамланган бундай «шахобчалар», ранг-баранг дисклар албатта ўтган-кетганларни бефарқ қолдирмайди. Анча арзон бўлган бу дискларни ҳеч ким оғринмасдан сотиб олиши мумкин. Лекин арзоннинг оши татимас деганларидек, уларнинг сифати яхши эмас. Арзонлигига учиб сотиб олган кишини тезда минг пушаймон қилдиради. Бирининг овозида шовқин бўлса, бошқасида тасвир тиниқ эмас. Негаки бундай дисклар лицензияланмаган, бир гуруҳ кишилар томонидан муаллифлик ҳуқуқини бузиш йўли билан асл нусхалардан кўчириш орқали тайёрланган. Уларнинг сифатига ҳеч ким, ҳатто сотувчининг ўзи ҳам кафолат бермайди.

Маълумки, 2007 йил 6 ноябрда Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ҳудудида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашиш чоралари тўғрисида йиғилиш ўтказилиб, ишчи гуруҳи тузилганди. Бу гуруҳнинг асосий мақсади мамлакатимиз ҳудудида муаллифлик ҳуқуқини бузган ҳолда санъат асарлари, жумладан, аудио ва видео асарлар — DVD, CD дискларидан нусха кўчираётган ва уларнинг савдоси билан шуғулланаётган субъектларга кескин чора кўришдан иборат эди.

Бу каби қонунбузилишларга барҳам бериш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти томонидан ҳам бир қатор амалий ишлар қилинди. 2007 йилнинг ўтган даврида бу борада кўплаб тадбирлар ўтказилди. Натижада, 46 та ана шундай қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 47 млн. сўмга яқин турли видео ва аудио асарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Жумладан, департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирда фуқаролар Н.Деев, А.Николаев, Ю.Машарипова ва З.Родиналар даромад олиш мақсадида кинофильмларни кўпайтириб сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланиб, харидор А.Гарлицийга 100 дона DVD дискларни 100 АҚШ доллари ва 93 минг сўмга сотаётган вақтда ушландилар. Улардан жами 5,5 млн. сўмлик кинофильмларни кўпайтиришда фойдаланилган ускуна ва оргтехника жиҳозлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Қонунбузарларга нисбатан жазо чоралари белгиланди.

Жорий йилда ҳам бу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасида тезкор тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ботир МИРҲАМИДОВ,
Ўткир ҚОБИЛОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти тезкор ходимлари

Қонун ижроси таъминланмоқда

2008 йил 1 январдан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида муҳим босқич бўлди.

23 февраль куни Андижон вилоят прокуратурасида прокуратура, ички ишлар органлари терговчилари, жиноят ишлари бўйича судлар судьялари, жазони ижро этиш муассасаси ходимлари иштирокида илмий амалий анжуман ўтказилди.

Анжуманда жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш жараёнида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бошқа қонунбузилишларга йўл қўймасликка эътибор қаратилди.

Анжуман қатнашчиларининг маърузаларида амалиётда тўқнаш келинаётган айрим масалаларнинг ташкилий ечимига ҳамда дастлабки терговда қонунларга қатъий риоя этилишини таъминлашга алоҳида урғу берилди.

Шу билан бирга, қонунчиликдаги мазкур ўзгаришларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишни фаоллаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи орган ходимларининг мазкур йўналишдаги касб-маҳоратини янада ошириш чоралари кўрилди.

Зиёдулла ЮЛДАШЕВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Одатда коммунал хизматдаги узилишлар, сифатсиз хизмат ҳақида кўп шикоят қилинади. Тўғри, таъминотда узилишлар ҳамон учраб турибди. Аммо, бунда бизнинг ҳам истеъмолчи сифатида «улуш»имиз борлигини унутмаслигимиз керак. Кўрсатилган хизмат учун тўловни муддатида амалга оширмаслик уларнинг нормал фаолият юритишига тўсқинлик қилаётгани шубҳасиз. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади деб бекорга айтишмаган-ку!

Республика Президентининг «Коммунал хизматлар таърифларининг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мунтазам прокурорлик назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили қарздорликни камайтириш мақсадида коммунал хизмат корхоналари томонидан судларга 29 минг 822 та даъво аризалари киритилган. Шундан 4,7 млрд. сўми улгуржи истеъмолчиларнинг қарздорлиги бўйича хўжалик судларига, 4,9 млрд. сўмлиги аҳолининг қарздорлиги юзасидан фуқаролик судларига киритилган. Тўлов муддатини ўтказиб юборган 1518 та истеъмолчи тармоқдан ажратилиб, ҳужжатлар солиқлик инспекцияларига топширилган. Ачинарлиси шундаки, айрим истеъмолчилар ҳамон электр энергияси ва газдан ноқонуний йўллар билан фойдаланишга уринишмоқда. Ноқонуний уланишлар оқибатида электр энергиясидан фойдаланган улгуржи истеъмолчилардан 208,5 млн. сўм, аҳолидан 568 млн. сўмлик зарар ундириб олинди. Газ корхоналари томонидан эса 23 млн. сўм қоплатилган.

Коммунал тўловлардан қарздорликни камайтириш чоралари кўрилаётганига қарамасдан, жорий йилнинг 1 январига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарздорлик 8,2 млрд. сўмга ошган.

«Туямўйин-Урганч» минтақаларо сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси мансабдор шахслари томонидан истеъмолчиларнинг ичимлик сувидан бўлган қарздорлигини ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганлари оқибатида, дебитор қарзларнинг 1,1 млрд. сўмининг муддати ўтказиб юборилган.

Шунингдек, «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармасининг Урганч, Питнак шаҳар, Шовот, Хива, Янгибозор, Боғот, Хонқа, Урганч, Янгиариқ ва Қўшкўпир туман филиаллари раҳбарлари ўз мансаб ваколатларидан ғаразли мақсадда фойдаланиб, ҳисоботларни сохталаштиришга йўл қўйишган. Ойлик ҳисоботларда аслида истеъмолчиларга етказиб берилмаган 3,9 млрд. сўмлик табиий газ етказиб берилди деб ҳужжатлаштирилган.

Коммунал тўловлардан бўлган қарздорликнинг асосий қисми Урганч шаҳри ҳиссасига тўғри келганлиги ва келгусида аҳоли ва ташкилотлар ҳисобидан ундирилиши лозимлиги ҳисобга олинмоқда.

Ойлик ҳисоботларда аслида истеъмолчиларга етказиб берилмаган 3,9 млрд. сўмлик табиий газ етказиб берилди деб ҳужжатлаштирилган.

Коммунал тўловлардан бўлган қарздорликнинг асосий қисми Урганч шаҳри ҳиссасига тўғри келганлиги ва келгусида аҳоли ва ташкилотлар ҳисобидан ундирилиши лозимлиги ҳисобга олинмоқда.

Коммунал тўловлардан қарздорлиги ва келгусидаги вазифаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор мансабдор шахсларнинг жиноятлари фош этилиб, уларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Масалан, Қонликўл туманидаги «Сари Алтин» масъулияти чекланган жамият мансабдорлари 34,6 млн. сўмлик товар-моддий бойликларни талон-торож қилганликлари ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки терговда етказилган зарар тўлиқ ундирилиб, жамият раҳбари К.Ажениязов суд томонидан қонуний жазоланди.

Нукус автомобиль мактаби мансабдор шахслари томонидан мактаб биносини таъмирлаш ишларига қўшиб ёзиш орқали 15,2 млн. сўмни талон-торож қилинганлиги жиноят иши қўзғатишга асос бўлди. Зарар тўлиқ ундирилиб, собиқ мансабдорлар У.Давлетов ва К.Юсуповларга нисбатан суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Юртимизда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинишини ёшларга билдирилган юксак ишончдир. Фарзандларимизни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли қилиб тарбиялаш нафақат давлат, балки ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини эсимиздан чиқармаслигимиз даркор.

Агар бир неча соатга сув, электр энергияси ёки газ бўлмай қолса таъбимиз хира бўлиб нолишни бошлаймиз. Лекин коммунал хизматлар ҳақини ойлаб, баъзида йиллаб тўламасликни оддий ҳол сифатида қабул қиламиз... Ўз ҳуқуқини билиш ва талаб этиш яхши, аммо бурч ҳамда мажбуриятни ҳам унутмаслик керак.

Марсел АСХАДУЛЛИН,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

САҲИФАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР УЧТЕПА ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ

Қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида

Учтепа туман прокуратураси 2007 йил мобайнида ўз иш фаолиятини қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича прокуратура органлари олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтирди.

2007 йил мобайнида ўтказилган тадбирлар сони 23 тани, прокурорлик таъсир чоралари 1218 тани, текширишлар самарадорлиги 52 фоизни ташкил этди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 35 та жиноят иши қўзғатилди, 98 та ғайриқонуний қарорлар ва буйруқларга протест киритилди. 295 нафар шахс расман огоҳлантирилди. 24 нафар шахс интизомий, 199 нафар шахс маъмурий, 45 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 1 млн. 986 минг сўмлик зарарнинг ихтиёрий тарзда тўланиши таъминланди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, Учтепа туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судига 484 та даъво аризалари киритилди. Қўзғатилган ишларнинг деярли барчаси тергов қилиниб, судга юборилди ва суд ҳукмлари чиқарилди.

2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра туманда иссиқ сув ва иссиқлик қувватидан қарздорлик 2 млрд. 168 млн. сўмни, табиий газ бўйича қарздорлик 2 млрд. 65 млн. сўмни, электр энергияси бўйича қарздорлик 1 млрд. 158 млн. сўмни ташкил қилганди. Таъкидлаш керакки, уларнинг қарийб барчаси судларга даъво аризалари киритиш йўли билан ундирилди.

Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари мансабдор шахсларига нисбатан 8 та ва «Акмал Икрамов коммунал таъмирлаш аварияни тиклаш хизмати» ОАЖ мансабдор шахсларига нисбатан 2 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, туман коммунал таъмирлаш аварияни тиклаш хизмати ОАЖ фаолияти текширилганда, жамият мансабдор шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, давлат томонидан бепул ажратилган 210 кв.м. рубероид, 17 минг 388 кг. битум ва 700 дона шифер, жами 7,5 млн. сўмлик қурилиш маҳсулотларини талон-торож қилиб юборгани маълум бўлди. Уларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилди ва зарар тўлиқ ундирилди ҳамда айбдор шахслар жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан банклар, нақд пул муомаласи ва касса интизоми, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозорлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси мунтазам равишда ўрганилиб, қонунбузилиш ҳолатларига қатъий чоралар кўриб борилди. Олиб борилган тадбирлар натижасида туманда белгиланган савдо тушуми истиқбол кўрсаткичининг бажарилишига, коммунал хизмат бўйича аҳолининг қарздорлигининг бир мунча камайишига, бозорлар фаолиятининг талаб даражасига келишига эришилди.

Туман ҳудудида пойтахтдаги катта бозорлардан бири — «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ жойлашган. Туман прокуратураси томонидан 2007 йил май ойида бозорлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан мазкур бозорда ўтказилган текширувда жамиятнинг мансабдор шахслари ўзгалар мулкини жуда кўп миқдорда растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖ масъул ва мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Туман прокуратураси тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, турли мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига барҳам бериш мақсадида тезкор ишлар олиб бормоқда.

2007 йил 30 май куни Ш.Муҳиддинова туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, «Фарҳод деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамияти мансабдорларининг хатти-ҳаракатларидан норозилигини билдирганди. У ўз аризасида жамият бошқаруви раиси И.Саидаҳмедов бозор ҳудудида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шароит яратиш эвазига ундан ноқонуний равишда 300 минг сўм миқдорда пора талаб қилаётганини кўрсатганди.

Фуқаро Ш.Муҳиддинованинг важларини текшириб, Тошкент шаҳар ИИББ тезкор ходимлари билан ўтказилган тадбир натижасида И.Саидаҳмедов ҳайдовчиси орқали махсус кукун билан ишлов берилган 50 минг сўм ва 200 АҚШ долларини олган вақтида қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан И.Саидаҳмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан дастлабки тергов савиясини кўтариш, жиноятни тўғри малакалаш мақсадида ИИБ, туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти, солиқ инспекцияси ходимлари иштирокида семинар машғулотлари ўтказилди. Натижада ушбу семинар машғулотлар тергов сифатини яхшилашга ва жиноятчиларнинг жазога тортилиши муқаррарлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатди.

2007 йил кўрсаткичларига кўра, туман прокуратураси терговчилари томонидан 129 жиноят ишлари 165 нафар шахсга нисбатан айблов хулосаси билан судга юборилган.

Учтепа тумани ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар комиссияси билан ҳамкорликда туманда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олиш борасида бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилган.

Эътиборли томони шундаки, ўтган йили туманда вояга етмаганларни асоссиз ушлаш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилмаган. Ўз жонига қасд қилиш ҳолати қайд этилмаган.

Туман судида кўрилган 495 та иш бўйича ҳукмлар чиқарилган. Кўрилган жиноят ишларда давлат айблови 100 фоиз қувватланишига эришилган. Бу эса прокурор иштироки барқарорлигини таъминлади. Ҳамма оғир ва ўта оғир, вояга етмаганлар жиноят ишларида давлат айблови тўлиқ қувватланди.

Прокурорларнинг судларда давлат айбловини сифатли қўллаши натижасида суд ҳукмлари сифати яхшиланган. Апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоятлар асосида ҳукмлар бекор бўлиши ёки ўзгартирилиши кескин камайган.

Туман бўйича аппеляция тартибида протест келтириш самарадорлиги 81 фоизни ташкил қилиб, кассация тартибида протест келтириш самарадорлиги 76 фоизга тенг бўлди.

Фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2007 йил мобайнида туман прокуратурасига 1145 ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 783 таси ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилган. 122 таси жиноят ишларига қўшилган. 210 та ариза ва шикоятлар туман прокуратураси томонидан ҳал этилган бўлиб, шундан 33 таси қаноатлантирилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашда қонунларни тарғиб қилиш алоҳида ўрин тутади. Туман прокуратураси томонидан бу борада бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди. 2007 йил давомида 533 та ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари ўтказилиб, 76 марта оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил қилинди. Ўтказилган давра суҳбатларида, учрашувларда аҳолига жиноятчилик ва прокуратура органлари фаолияти, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш борасида маърузалар ўқилди. Тарғибот ишлари натижасида туманда жиноятчиликнинг бир мунча камайишига эришилди.

Туман прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бирга туманда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини оғишмай бажарилишини таъминлаш борасидаги ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йил давомида туман прокуратураси томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича тегишли режалар белгиланган ва амалга оширилмоқда.

Эркин ЙЎЛДОШЕВ,
Учтепа туман прокурори

Ичкиликбозликнинг мудҳиш оқибати

Ароқни кўплар «шайтоннинг суви» деб аташади. Зеро, уни ичган одам ақлу ҳушидан айрилиб, шайтонга қул бўлади. Мақоламиз «қаҳрамон»и Константин Юсупов ҳам шундайлар хилидан экан. Илгари бир неча марта судланган Костя 2007 йил 23 майда сўнгги бор жазони ижро этиш муассасасидан шартли равишда жазо муддати тугамасдан озодликка чиқарилган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармади. «Шайтон суви»дан сипқориб, яна бир оғир жиноятга қўл урди.

Чилонзор туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг орқасида кечки пайт ёлғиз кетаётган кишини кўриб, Костянинг нияти бузилди. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, фуқаро Жамила Зокировани ерга йиқитиб бўйнига пичоқ тиради:

— Жонингдан умидинг бўлса, овозингни чиқарма. Тақинчоқларни еч, пулни чиқар, сотканни буёққа ол...

Қўрқиб кетган Жамила (исмлар ўзгартирилган) қалтираб тақинчоқларини ечди, қўлидаги уяли телефони ва сумкачасидаги 30 минг сўмни Константинга тутқазди. Костя тақинчоқлар ва пулларни чўнтагига солар экан, жиноят изларини яшириш мақсадида Жамиланинг кўкрагига пичоқ урди. Кейин қонга беланиб ётган аёлни тақдир ҳукмига ташлаб кўздан ғойиб бўлди. Яхшиям ўтиб бораётган йўловчилардан бири ўлим билан олишиб ётган аёлни пайқаб қолиб, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Шифокорлар тўрт соатча жидду жаҳд қилишиб, аёлнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Костя эса Жамиланинг қарийб 300 минг сўмлик тилла тақинчоқлари ва кўл телефонини Фарҳод бозоридаги «учар»ларга 100 минг сўмга пуллаб, никоҳсиз яшаб юрган Гуля Маматариповонинг хонадонида ҳамтовоқлари билан зиёфат қилди.

Бир ҳафтадан кейин Костянинг ҳамтовоқларидан бири ярим тўрхалта пул кўтариб кириб келди. Айтишича, «Отчопар»да «движение» қиладиган ёшгина «янги ўзбек»ни жазолаган эмиш. Уч кун базми жамшид қилишди. Тўртинчи куни кечқурун Константин чарчаганини баҳона қилиб, Маматарипова билан ётоқхонага кириб кетди. Ярим соатлардан кейин «Отчопар»даги тижоратчи йигитни чув туширган Володя хонага кириб, Маматарипованинг кўлидан тортди.

— Юр, мен билан рақсга тушасан.

Володянинг фикрича, бундай қилишга унинг ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаққи бор экан. Зеро, аёлнинг уйида уюштирилаётган бу базми жамшидлар у «ишлаб келган» пул ҳисобига амалга оширилаётганди.

Костянинг ғазаби жунбушга келиб, Володяни ётоқхонадан суриб чиқарди. Бироздан кейин эшик тарақлаб очилиб, яна Володя кириб келди. Бир-икки дақиқалик даҳанаки жангдан кейин Костя пичоғини чиқариб, Володянинг бўйнига урди. Атрофга қон сачради. Володяни жон томири кесилиб кетганди. Кўп ўтмай у жон берди. Улфатлар унинг жасадини ахлатхонага чиқариб ташлашди. Ётоқхонадаги қонларни ювиб, полларни артишгач, базмни қолган жойидан давом эттиришди. Эртасига эрталаб уларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Прокуратура терговчисининг «Володяни нега ўлдирдингиз» деган саволига Костя «олиб келган ароғини миннат қиладиган улфатга бундан бошқача яна қандай жазо бериш мумкин», қабилида жавоб берди. Мана сизга оқ ароқнинг қора иши...

Улуғбек КАРИМОВ,
Учтепа туман прокурори ўринбосари

ТАРБИЯСИГА ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Ўғлим оиласида ўзаро келишмовчилик бўлганлиги сабабли турмуш ўртоғи билан қонуний тартибда ажрашди. Ўрталарида бир нафар фарзанди бор.

Ҳозирда ўғлимнинг ҳам, унинг собиқ турмуш ўртоғининг ҳам ўз оиласи бор. Аммо ўртадаги фарзанд онаси билан эмас, балки бувиси билан қолган. Бундай вазиятда ўғлим фарзандини ўз тарбиясига олиб беришни талаб қилса бўладими?

Ўғлим болаликдан ногирон бўлиб, пенсия олса, аммо шунга қарамасдан ишласа, ундан ундириладиган алимент пенсиясидан ҳам, иш ҳақидан ҳам ундирилиши тўғрими?

С.БЕКНАЗАРОВ,
Боғот тумани

Оила кодексининг 75-моддаси талабига мувофиқ, ота-она болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга. Шундай экан, ўғлингиз фарзандини ўз тарбиясига собиқ турмуш ўртоғи билан ўзаро келишув асосида, келишувга эришилмаган тақдирда суд орқали олиши мумкин.

Алимент Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташқарисида олинадиган барча турдаги даромадлардан ушлаб қолинади.

УЙ МАШМАШАЛАРИ

Отам бундан бир йил олдин қўшнисининг уйини 10 минг АҚШ долларига сотиб олган эди. Бу уйнинг ҳужжатлари тўлиқ бўлмаганлиги учун олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлата олишмади. Уйни сотган одам отамга уйни 10 минг АҚШ долларига сотганлиги, бир ойда барча ҳужжатларни тўплаб, уйни отамга нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси асосида расмийлаштириб бериши тўғрисида гувоҳлар олдида тилхат ёзиб берди. Аммо кўп ўтмай тилхатда ёзган мажбуриятларини бажармасдан қишлоқдан кўчиб кетди.

Шундан сўнг отам ФКнинг 112-моддасига асосан қўшниси билан тузилган битимни ҳақиқий деб топишни сўраб судга мурожаат қилди. Суд эса отам уй учун сўм эмас, доллар берганлиги ва гўё бу билан «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси, ФКнинг 94-моддаси талабларини бузганлиги учун ФКнинг 116-моддасига асосан даъво талабларини рад этиш тўғрисида адолатсиз ҳал қилув қарори чиқарди. Вилоят суди отамнинг шикоятини қаноатлантирмай суд қарорини ўз кучида қолдирди. Суднинг бу қарорлари қонунийми? Ахир бу қонунларда АҚШ долларига уй сотиб олиш тақиқланган дейилмаган-ку!? Бошқалар ҳам уй ёки автомашинани АҚШ долларига сотиб олишади-ку!?

Ж.КАЗАКБАЕВА,
Тошкент шаҳри

Суд қарорининг нечоғли қонуний эканлиги ҳақида фикр билдириш учун аввало ушбу қарор билан батафсил танишиб чиқиш лозим бўлади. Бироқ унинг қонунийлигини ўрганиш ва унинг шундай қабул қилинишига асос бўлган жиҳатларга ҳуқуқий баҳо бериш ваколати эса бевосита суд ҳамда прокуратура органларига тааллуқлидир. Шунинг учун бу борада мазкур идораларга мурожаат этишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

ҲИСОБ-КИТОБ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 август кунги контракцион шартномалар ҳақидаги 438-сонли Низом ҳали ҳам амалдами? Ушбу Низомга кўра хўжалик ва тайёрловчи ўртасидаги маҳсулот етказиб берилгандан кейинги тўлов ва ҳисоб-китоблар, унинг муддати тўғрисида маълумот берсангиз.

К.ДУСНАЗАРОВ,
Узун тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрь кунги 383-сонли қарорига мувофиқ сиз тилга олган Низом бекор қилиниб, «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги янги Низом тасдиқланган.

Унга кўра маҳсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлади.

Маҳсулот хўжалик транспортида етказиб берилса, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликка маҳсулотни ташиш харажатларини ҳақиқий вазни (идишни ҳам қўшиб) бўйича қоплайди.

Маҳсулотни ташиш харажатлари бутун масофа учун қопланади. Контрактация шартномалари бўйича харажатлар маҳсулот хўжаликдан жўнатилган жойдан бошлаб (саралаш пункти, бригада, бўлим, чорвачилик фермаси, яйлов, марказий омбор, хўжаликнинг марказий қўрғони ва ҳоказолар) шартномада назарда тутилган қабул қилиш пунктигача қопланади. Моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномалари бўйича харажатлар маҳсулотни қабул қилиш пунктидан шартномада назарда тутилган етказиб бериш жойигача қопланади.

Хўжаликларнинг транспортида ташиш ва тушириш харажатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган нормалар ва тарифлар бўйича ёхуд томонларнинг келишувига кўра белгиланади.

Тайёрлов ташкилотининг қўшимча талабларига риоя қилган ҳолда маҳсулот жўнатиш билан боғлиқ шартномада белгиланмаган харажатлар тегишли равишда тайёрловчи ҳисобига тўланади.

Тайёрлов ташкилоти томонидан стандарт талабларига мувофиқ бўлмаган, шунингдек, кондицияга мувофиқ бўлмаган маҳсулот қабул қилинган тақдирда қўшимча равишда сортларга ажратиш тайёрловчи томонидан бажарилади, ишларни бажариш бўйича харажатлар эса қўшимча битим бўйича қопланади.

Хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги олдиндан ҳақ тўлаш ва якуний ҳисоб-китоблар шартномада белгиланган тартибда, шаклда ва муддатларда амалга оширилади.

Етказиб берилган маҳсулот учун ўзаро ҳисоб-китоб қилиш муддати эса томонларнинг шартномада келишилган муддатларда амалга оширилади.

Бундан ташқари, Низомнинг мулкий жавобгарлик бўлимида айтилишича, контрактация шартномасига мувофиқ топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган пеня тўлайди.

Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга бундай хатти-ҳаракатнинг ҳар бир ҳолати учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

Юклаб жўнатилган товарларга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатининг нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки товарлар юклаб жўнатилганлиги тўғрисида бошқа ахборот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир ҳолат учун товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Хўжаликни стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, маҳсулотнинг тегишли турларини харид қилишни тартибга солувчи йўриқномалар ва қоидаларда ёки контрактация шартномасида белгиланган миқдорда ва муддатларда идиш ҳамда ўраш материаллари билан таъминланмаганлиги учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка етказиб берилмаган идиш, ўраш материалларининг етказиб бериш вақтида амалда бўлган қийматининг 2 баравари миқдорида жарима тўлайди. Тайёрловчининг хўжаликни идиш билан таъминламаганлиги маҳсулот сифатининг пасайишига ёки тез бузилувчи маҳсулотнинг бузилишига олиб келган бўлса, тайёрлов ташкилоти хўжаликка кўрилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисмини ҳам тўлайди. Бунда хўжалик сифатсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

Юқорида келтирилган икки ҳолатдан бирида эса Ғолиб оиласини хор-зор қилиб, оталик бурчини бажармай, суднинг қора курсисидан жой олди. Оқибатда унинг оиласидаги жабрланувчиларга қонун ёрдам қўлини чўзди.

Иккинчи ҳолатда Ботир билимга чанқоқ, келажакка улуғ орзулар оғушида интилган турмушўртоғини ва ҳали ёруғ олам юзини кўрмаган фарзанди — мурғак қалбнинг қотилига айланди.

«Оллоҳ ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир», дейилади муқаддас китоб Қуръони Каримда. Ўз яқинларига нисбатан адолатсизлик қилган ҳар иккала зулмкор қонуний жазосини олди.

Шу ўринда айтиш жоизки, қаҳрамонларимизни таниган, воқеадан хабардор бўлганлар кўнглидан қандай туйғулар кечаркин? Инсонни улуғлаш ҳам, камситиш ҳам ҳар бир кишининг қўлидан келади. Бироқ, яна шуни унутмаслик керакки, ҳаёт — бу тарози. Дунёда ҳеч бир иш жавобсиз қолмайди. Эзгу ниятлар ила инсонга, табиату набототга қўл чўзганлар ҳеч қачон ёмонлик кўришмайди. Шундай экан бир-биримиздан меҳр-мурувватни ҳеч қачон дариғ тутмайлик!

Умид НУРУЛЛАЕВ,
Вобкент туман прокуратураси терговчиси
Лолахон МАНСУРОВА,
журналист

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Беайб парвардигор, дейдилар. Инсон зоти борки, билиб-билмай хатога йўл қўяди. Ҳатто баъзилар шайтон васвасасига учиб, оғир жиноятлар содир этадилар. Пешонаси «тақ» этиб деворга урилган айрим инсонлар қилган хатоларидан тегишли хулоса чиқариб, кейинчалик ҳаётда ўз ўринларини топиб кетадилар. Баъзилар эса...

Қирчиллама ёшга етганда ҳаёт дафтари қора чизиқлар билан тўлган Фаёз Мардонқулов (исмлар ўзгартирилган) муқаддам уч маротаба судланган. Энг гуллаган ёшлик даврини темир панжара ортида ўтказган Фаёз бугун яна суднинг қора курсисида ўтирибди. Бу гал унинг қўллари бир инсоннинг қонига бўялди...

Яна бир ачинарли томони Фаёзга бу қотилликни содир этишида дўстлари ҳам ёрдам беришган. 34 ёшли Ўктам Ибодинов ва 26 ёшли Ўткир Зунуновлар ҳам аввал судланиб, амнистия билан қамоқ жазосидан муддатидан олдин озод қилинганди. Аммо тавбасига таянмаган бу йигитлар ҳукуматимизнинг кўрсатган ғамхўрлигидан ижобий хулоса чиқариб олишмади. Ҳаёт йўли, таржимаи ҳоли бир-биридан қолишмайдиган уч оғайни, уч ўртоқ жиноят кўчасида бирлашиб, жаҳолат ботқоғига ботишди.

Ўша куни ҳам уч йигит учрашиб, одатдагидек винохўрлик қилишди. Кайфи тароқ бўлган Фаёзнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Бир неча кундан бери ичини кемириб келаётган дардини оғайниларига тўкиб солди.

— Бир йигитда қасдим бор, шу бугун у билан ҳисоб-китоб қилмасам, кўнглим жойига тушмайди, — деди Фаёз муштини тугиб. — Учтўрт кун олдин мен йўқлигимда уйимга келиб, онамни ҳақорат қилибди. Унга қўл кўтарибди, номард.

— Мард бўлса, аёл кишига қўл кўтарармиди, — ёниб турган оловга керосин сепди Ўктам. — Бунақаларнинг адабини бериш керак. Биз сен билан, асло кўнглингни чўктирма.

— Қани, кетдик бўлмаса, — ўртоғининг гапларидан руҳланган Фаёз қадаҳдаги винони бўшатиб, ўрнидан турди. Ғазаб отига минган уч йигит Абдусаттор яшайдиган уй томон йўл олишди. Етиб келишгач, Фаёз эшикни жаҳл билан тақиллата бошлади. Аксига олиб, Абдусаттор уйига меҳмон бўлиб келган онаси, янгаси билан чақчақлашиб, ароқ ичиб ўтирганди. Табиийки, кутилмаган меҳмоннинг бу қилиғи унинг ҳам ғазабини қўзғатди.

— Ким экан у? Бунча маданиятсиз бўлмаса? — ҳайрон бўлиб сўради онаси Ҳалимахон ая.

— Хавотир олманг, ойи, ҳазилкаш ўртоқларимдир-да, — Абдусаттор онасини тинчлантириб кўчага чиқди. Юзлари важоҳатдан ёнаётган уч таниш йигитни кўриб, гап нимадалигини англаб етгандай бўлди.

— Онамни хафа қилишга қандай ҳаддинг сиғди? — тишларини ғижирлатиб унга яқинлашди Фаёз.

Абдусаттор эса чақ-қонлик билан уйига кириб, қўлида темир занжир билан қайтиб чиқди.

— Яқинлашсанг, аяб ўтирмайман, — бўш келмади у ҳам. — Онангдан сени сўрадим холос. Бошқа ҳеч нарса деганим йўқ.

Йигитлар бир-бири билан кўз уриштириб, Абдусаттор томон бостириб кела бошлашди. Рақиблар уч киши эмасми, унинг атрофини ўраб олиб, занжирни қўлидан тортиб олишди. Фаёз Абдусатторнинг ёқасидан маҳкам ушлаб, қорнига бир-икки мушт туширди. Ўктам билан Ўткир ҳам бўш келмай, икки букилиб қолган Абдусатторни юз-кўзи демай тепа бошлашди. Ақлхушини йўқотган уч ўртоқ маст бўлгани учун ўзини ҳимоя қилолмаётган Абдусатторни аямай дўппослашди. Гала-ғовурни эшитган Абдусатторнинг онаси ва янгаси кўчага югуриб чиқишди. Юз-кўзлари моматалоқ бўлиб, қонига беланиб ётган ўғлини кўриб, онаизорнинг эсхонаси чиқиб кетди. Жон ҳолатда бақириб, одамларни ёрдамга чақирдусатторнинг онаси ва янгаси кўчага югуриб чиқишди. Юз-кўзлари моматалоқ бўлиб, қонига беланиб ётган ўғлини кўриб, онаизорнинг эсхонаси чиқиб кетди. Жон ҳолатда бақириб, одамларни ёрдамга чақирди. Ўғлини дўппослаётган йигитларни инсофга чақирмоқчи бўлди. Келини Олимахон ҳам қайнукасининг ҳимоясига ошиқди. Ҳалимахон ая Ўткирнинг ёқасига ёпишди.

— Нега ўғлимни ураяпсанлар? Унинг айби нима? — онаизорнинг кўзларидан шошқатор ёш оқарди. — Урманглар, ўлдириб қўясизларку!

— Ўғлингиз оғзидан чиққан гапи учун жавоб бериши керак, — аёлга ўдағайлади Ўткир ва уни силкиб ташлади.

Кутилмаганда Фаёз қўйнидан пичоқ чиқарди. Буни кўрган Олимахон унинг қўлларига ёпишди. Кейин тиз чўкиб ялинди.

— Шайтонга ҳай беринг, укажон. Кейин пушаймон бўласиз.

— Мен пушаймон бўлмайман, — Фаёз шундай деб аёлни итариб ташлади ва Абдусатторнинг кўксига пичоқ санчди. Йигит юрагини чангаллаганча ерга қулади.

— Вой дод, ўғлимни ўлдиришди, — дод солди она.

Йигитлар воқеа жойидан қочиб кетишди. Абдусаттор эса шифохонага етмай, ярим йўлда жон берди.

Қотиллар бир-неча кун турли бурчакларда биқиниб, қочиб юришди. Аммо бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганларидек жиноятчилар ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қўлидан қочиб қутилишолмади.

Суд мажлисида яна шу нарса маълум бўлдики, йигитлар гиёҳванд моддалар ҳам истеъмол қилишар экан. Одил суд ҳайъати «ўта хавфли рецидивист» деб топган судланувчилар — Фаёз Мардонқуловни 19 йилга, Ўктам Ибодиновни 20 ва Ўткир Зунуновни 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Жазони махсус тартибли колониялларда ўтайдиган йигитлар гиёҳвандлик касаллигидан ҳам тиббий йўсинда даволанадиган бўлишди.

Азизлар, арзимас гап-сўзни баҳона қилиб, бир-биримизнинг кўнглимизни оғритмайлик. Аллоҳ томонидан инъом этилган инсон ҳаётига бевақт нуқта қўйишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Бу ҳақиқатни инкор этадиганлар эса албатта қонун олдида жавоб беради. Зеро, қонун ҳамма учун баробардир.

Аҳмад ҲУСЕНОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг катта мутахассиси

Сўнмаган адоват

Қариндошиникидан уйига қайтаётган Юлдузхон опанинг кўзи гандираклаб келаётган Асатуллога тушди-ю, юраги орқага тортиб кетди. Мастлиги билиниб турган бу йигитни кўрмаганга олиб ўтиб кетмоқчи бўлган эди, лекин бўлмади.

— Ҳей! — бу Асатуллонинг овози эди. — Менга қара!

Ўғли тенги йигитнинг сенсираши опага оғир ботди. Аслида Асатуллонинг бундай ҳурматсизлиги тагида эски адоват бор эди.

— Ҳа, нима дейсан? — унга ўгирилди опа.

Асатулло деворга суянганча қизарган кўзлари сузилиб, бошини тебратди:

— Менинг кимлигимни биласанми? Мени Асатулло дейишади.

— Ким бўпсан ўзи? — Опа уни жеркиб, йўлида кета бошлади.

— Ҳали боламлаб қоласан. Ўшанда биласан кимлигимни! Ўғлинг Дилшодни ўйла!

Опанинг кўнглига ғулғула тушди. Шунинг учун ғазаб билан қўлларини пахса қилганча, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган Асатуллога деди:

— Ўғлимга тегиб кўргин-чи, сени тинч қўярмиканман. Жанжалингдан тўйиб кетдим!..

У уйга келган заҳоти Дилшодни ёнига чақирди:

— Асатуллодан эҳтиёт бўлиб юргин. Нияти бузуқ. Юзимга айтди. Ичганда сени бир бало қилиб қўймасин яна...

Қишлоқнинг муштумзўрларидан бири ҳисобланмиш Асатулло Ўринбоев кўпинча маст-аласт юрар, 3 фарзанднинг отаси бўлса-да, уларга қандай ўрнак бўлаётганини ўйлаб ҳам кўрмасди. Юлдузхон опанинг ўғилларига нисбатан адоват эса бундан беш йилча олдин, бир фермер хўжалигида ишлаб юрганида туғилган. Ўшанда опанинг кичик ўғли Дилмурод фермер хўжалигига қарашли маккажўхоризор четидан молларига ўт ўраётган эди. Асатулло уни огоҳлантириб, пайкалдан чиқариб юбориш ўрнига уни ураги. Дилмурод уйига йиғлаб бориб, акаси Дилшодга шикоят қилади.

Табиийки, Дилшод шу заҳоти Асатуллонинг олдига етиб келади. Оғзаки тортишув муштлашувга айланади. Шу-шу уларнинг оралари бузилиб қолган эди.

Фожеа ўтган йилнинг августида, кечки пайт рўй берди. Асатулло қишлоқдаги бир тўйга бориб, тўйнинг текин ароғидан обдон симирди. Асатуллонинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилаётган Дилшод қорнида тўсатдан пайдо бўлган кучли оғриқдан букилиб қолди. Сўнгра бор кучини йиғиб Асатуллони итариб юборди. У чўккалаб қолиб, қўлидаги пичоқни ўқталганча яна дағдаға қилди:

— Тўхта, ўлдираман сени!

Бу пайтда Дилшод қорнини чангаллаб, гандираклаганча қоча бошлади. Унинг нияти яқин қолган уйларига йиқилмасдан етиб олиш эди. Кўп ўтмай қоронғуликда ғойиб бўлди...

Юлдузхон дарвоза олдида ўғлини кутиб ўтирганди. «Бундай кеч қоладиган одати йўқ эди-ку. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да, Худойим», шундай дея ўзини чалғитмоқчи бўлаётган эди, шу пайт инқиллаб, чайқалганча ўғли келиб қолди. Онаси аввалига уни мастмикан, деб ўйлаб:

— Дилшод, ичдингми? — деб сўради. Ранги оқариб, қорнини чангаллаганча зўрға турган Дилшод нимадир демоқчи бўларди, аммо овози чиқмасди. Бир маҳал «Асат...» деди-ю ерга йиқилди. Ўғлининг қўллари билан қорнидаги қонни кўрган она даҳшатдан қотиб қолди. Жон ҳолатда уни бағрига босди. Дилшод ҳушдан кетган эди. Юлдузхон бор овози билан уйдагиларни ёрдамга чақирди...

Шифокорлар Дилшоднинг ҳаётини аранг сақлаб қолишди. А. Ўринбоев эса тегишли жазосини олди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди. Сабабни юқорида баён қилдик. Оқибатда эса бир инсоннинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига бир баҳя қолди.

Р.ХЎЖАНАЗАРОВ,
Қувасой шаҳар прокуратураси терговчиси
Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист

ҚОБИЛ БОЛАНИНГ ҚИЛМИШИ

Бувисидан хабар олгани борган Александр дарвоза олдида иккиланиб тўхтаб қолди. Кўпинча тамбаланган ҳолатда турадиган дарвоза бугун қия очиқ эди. Овоз бериб ҳовлига кирди. Ҳеч ким жавоб бермагач, баттар хавотирга тушди. Ичкари уйга кирганида йўлакда бувиси ва тоғаси қонига беланиб ётган экан.

— Нима бўлди, буви, ким қилди бу ишни? — сўради нима қиларини билмай қолган Александр.

— Рустам деган новвой бола тоғанг билан уришиб...— аёл бошқа гапиролмай, ҳушини йўқотди.

Александр аввал тез ёрдамга, сўнг милицияга қўнғироқ қилди.

Олган жароҳати туфайли Темиргани шифохонага етмай вафот этди. Онасининг ҳаёти эса врачлар саъй-ҳаракати билан сақлаб қолинди.

* * *

Отаси вафот этгач, онасига рўзғор тебратишга ёрдам бериш учун новвойхонада ишлай бошлаган Рустамдан ҳамманинг кўнгли тўқ эди. Ҳеч ким унинг дарбадар юргани-ю бировнинг дилини оғриттанини кўрмаган. Нон сотиб ишлаган пулини рўзғорга ишлатар, баъзи тенгқурлари каби бемақсад дайдиб юрмасди. Аммо...

Сўнгги пайтларда онаси ва опасидан яширинча ичкилик ичадиган одат чиқарди. Ўша куни ҳам опасидан бекитиб ичиб олган эди. Ичкилик ҳар қандай одамни ҳам йўлдан уриши сир эмас.

Нонларини сотиб бўлиб, пулларини санаётган Рустам Темиргани акадан олган қарзини эслади.

Рустам икки ойча олдин шу кўчада яшовчи Темиргани деган кишидан пулини бўлиб-бўлиб тўлашга келишиб, велосипед сотиб олган эди. Шу пулни бериш учун Темиргани аканинг уйига қараб жўнади. Қарзи деярли узилган, 27000 сўм қолганди.

«Саҳардан ярим кечагача эшшақдай ишлаб пул топаман. Улар бўлса...» Шу йўлларда бораётган Рустам чўнтагидаги пулни бергиси келмасди.

Одатдагидай Темиргани йигитчани хушламайгина қарши олди.

— Пулнинг қолганини кейинроқ...— Рустамнинг гапи оғзида қолди.

— Гапни кўпайтирмай, қарзингни тўла!

Ширакайф йигитча буни ҳақорат деб тушунди. Гап талашиш муштлашувга айланиб кетди. Ўзидан анча ёш катта кишига кучи етмаслигини тушунган Рустам ёнида олиб юрган пичоқни ишга солди. Уни рақибининг дуч келган жойига зарб билан ура бошлади. Темиргани оғриқ зўридан ихраб йиқилди. Воқеа устига келиб қолган Темирганининг онаси дод солган кўйи ўғлига ёрдамга ошиқди. Қутуриб кетганидан кўзига ҳеч нима кўринмаётган Рустам кекса аёлни ҳам аяб ўтирмади: пичоқ зарбидан у ҳам ҳушини йўқотиб йиқилди.

Рустам нима иш қилиб қўйганини тушуниб етганида кеч бўлган эди. У Темиргани ва унинг онасини ўлди деб ўйлаб орқасига қарамай қочди. Аммо узоққа боролмади. Қисқа муддат ичида қўлга олинди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Суд ҳукми билан Рустам Эшмуродов 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Баҳодир ҚОРАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ОЧИЛИШИГА «КАЛИТ»

Аргентина федерал суди мамлакат собиқ Президенти Фернандо де ла Руани кўпмиллионлик поралар берганликда айбламоқда. «BBC news» ахборот агентлигининг хабар беришича, собиқ президент ўз вақтида янги меҳнат қонунчилиги қабул қилиниши учун Аргентина парламентининг бир нечта сенаторларини сотиб олганликда айбланаяпти. Терговчиларнинг маълум қилишича, пора бериш жараёни 2001 йилнинг кузида, яъни Президент истеъфосига бир ой қолганда амалга оширилган. Ҳозирча, поранинг аниқ миқдори ошкор этилмаган, бироқ айрим манбаларда келтирилишича гап бир неча миллион АҚШ доллари устида кетмоқда.

Маълумотларда айтилишича, де ла Руа сенаторларга пулларни ўзига яқин бўлган учта ёрдамчиси Аргентина разведкаси раҳбари, собиқ банкир Фернандо де Сантибаньес, Сенат раиси Хосе Хенуд ҳамда меҳнат вазири Альберто Фламарике орқали берган. Шунингдек, собиқ Президент 1996-1999 йилларда, яъни Буэнос-Айрес мэри бўлган пайтларида катта миқдорда давлат маблағларини талон-торож қилганликда ҳам гумон қилинмоқда. Мазкур йўналишда ҳозирча тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Сешанба куни Аргентина сенатининг собиқ котиби Марио Понтакуарто ўз интервьюсида де ла Руага қўйилган айбловларни тўлиқ маъқуллаб, парламентнинг юқори палатасида рўй берган барча порахўрликларнинг «калити» айнан шу одамда эканлигини айтиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, 2007 йилнинг октябрида Аргентина прокуратураси Фернандо де ла Руани 2001 йил 20 декабрда мамлакат президентининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатига қарши ўтказилган норозилик намойиши тарқатилиши оқибатида беш нафар намойишчининг ўлдирилишига алоқадорликда гумон қилинаётганини эълон қилганди.

Ҳозирча у киритилган гаров эвазига очиқда қолмоқда. Бироқ, де ла Руанинг банкадаги ҳисоб-рақамида сақланаётган 6 миллион доллар миқдоридаги пуллари «музлатиб» қўйилди. Фернандо де ла Руа 1999 йилдан 2001 йилгача мамлакатни бошқарган. У сўл-марказ коалиция етакчилигида ҳокимият тепасига келганди.

Криминал вилоят

Ироқда қуролланган номаълум жиноятчилар 21 кишини гаровга олган. Мазкур жиноят Бағдоддан шимоли-шарқдаги Дияла вилоятида содир этилган. Курдистоннинг Кикук шаҳридан Бағдодга йўл олган икки автобус сохта назорат ўтказиш пунктида тўхатилган. Сўнгра қуролланган жангарилар автобусдаги йўловчиларни бошқа автотранспортга ўтказиб, номаълум томонга олиб кетишган. Бироз муддат ўтгач, улар уч нафар аёлни қўйиб юборишган. Бироқ, аёллар йўловчиларни нима сабабдан ўғирлашганлари ва қаерга олиб кетишганларидан бехабардирлар. Полициячиларнинг маълумотига кўра, Дияла вилоятида «Ал—Қоида» террорчи ташкилоти гуруҳлари жуда фаоллашган. Бу ҳудуд Ироқдаги энг хавфли жойлардан саналади. Шу йилнинг февраль ойи ўрталарида ушбу вилоятда ўқотар қуроллардан ўлдирилган 15 кишининг жасади топилган. Тахминларга кўра, улар номаълум жангарилар томонидан қатл қилинган, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги.

Тергов билан келишув

Исроил Олий адолат суди мамлакат собиқ Президенти Моше Кацавнинг тергов билан келишувини тасдиқлади. Мазкур қарорни Олий адолат судининг бешта судьясидан учтаси маъқуллаган. Қаршилар эса суд раиси Дорит Бейниш ҳамда судья Эдмонд Левилардир, деб ёзилади «The Jerusalem Post» газетасида.

Гап шундаки, келишувга биноан Моше Кацав унга нисбатан қўйилган айбловлардан энг енгилларини тан олишга рози бўлган. Бунинг эвазига тергов органлари Кацавга қўйилган оғирлаштирувчи, жумладан, зўрлаш каби оғир айбловлардан воз кечган. Тергов билан келишув 2007 йилнинг июнь ойида имзоланган ҳамда ҳукуматнинг юридик маслаҳатчиси, Исроил Бош прокурори Менахем Музуз томонидан маъқулланган. Мутахассисларнинг фикрича, энди суд Кацавни бир йил ахлоқ тузатиш ишларига ва унча катта миқдорда бўлмаган жаримага ҳукм қилиши мумкин.

Қизиғи шундаки, Моше Кацавнинг ўзи прокуратурага мурожаат қилган бўлиб, ҳеч ким унинг устидан ариза билан келмаган. 2006 йилнинг ёзида у прокуратурага келиб, собиқ хизматчиси уни шантаж қилаётганлиги тўғрисида арз қилади. Арзда кўрсатилишича, президент маъмуриятида хизмат қилган аёл Кацавни зўрлашда айблаб, ундан катта миқдорда пул талаб қилаётган экан. Прокуратура томонидан ўтказилган тергов натижасида аёлнинг важлари ўз тасдиғини топганлиги боис, мамлакат Президенти Моше Кацавга нисбатан қатор жиноятларни содир этганликда айб эълон қилинган.

2007 йилнинг январида унга нисбатан қўйилган айбловлардан сўнг истеъфога чиққан Кацав, тергов билан келишув имзоланганидан кейин сиёсий майдонни бутунлай тарк этган. Унинг ваколат муддати 2007 йилнинг июлида тугаши керак эди. Исроилнинг янги Президенти этиб Шимон Перес сайланган.

БИРИ РОЗИ, БИРИ ҚАРШИ

Арманистон пойтахти Ереванда ҳукмрон республикачилар партияси етакчиси, мамлакат бош вазири Серж Саркисян тарафдорлари йиғилишди. Улар Саркисяннинг президентлик сайловларида эришган ғалабасини қўллаб-қувватлаш мақсадида тўпландилар. Бироқ, мухолифатнинг фикрича, у ғалабага сохта бюллетенлар орқали эришган экан.

«Regnum» ахборот агентлигининг хабар беришича, намойиш иштирокчиларининг сони аниқ эмас. Лекин уларнинг асосини мамлакатнинг турли ҳудудларидан келганлар ташкил этади. Республикачилар партияси матбуот котиби Эдуард Шармазановнинг айтишича, сўнгги кунларда Арманистоннинг деярли барча вилоятларида Серж Саркисян тарафдорларининг намойишлари бўлиб ўтмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аввалроқ Ереванда мухолифатчиларнинг норозилик намойишлари бошланганидан сўнг, Саркисяннинг минглаб тарафдорлари пойтахтга кириб, уни ҳимоя қилишга ҳаракат қилишганди. Бироқ, полициячилар икки гуруҳ ўртасидаги тўқнашувнинг олдини олиш мақсадида уларни ўтказишмаган. Ереванда юзага келган вазият туфайли полиция кучлари шай ҳолатга келтирилган. Пойтахт марказида жойлашган президент саройи олдида полициячиларга тўла бешта автобус келтирилган.

Митингда сўзга чиққан Серж Саркисян мухолифат билан музокарага тайёр эканлигини билдириб, ўз тарафдорларини тинчликни сақлашга, шунингдек, норозилик намойишларига чиқаётган мухолифат тарафдорларига нисбатан адоватли бўлмасликка чақирди. «Улар ўзининг сиёсий мақсадларини кўзлайдиган бир гуруҳ шахслар томонидан алданиб, нотўғри йўлга кириб қолган фуқаролардир», деди ўз нутқида бош вазир.

Эслатиб ўтамиз, 21 февралдан буён сайловларда мағлубиятга учраган Арманистон собиқ президенти Левон Тер-Петросян тарафдорлари Ереванда озодлик майдонида норозилик намойишларини ўтказишмоқда. Тер-Петросяннинг таъкидлашича, сайловларда айнан у ғалаба қозонган, ҳукумат эса сайлов натижаларини сохталаштириб, ўз номзодини қўллаб-қувватлаган.

СОЛИҚЛАРДАН ҚОЧИБ БЎЛМАЙДИ

Германия прокуратураси Лихтенштейн князлигида жойлашган Швейцариянинг «Vontobel» банклар гуруҳига тегишли яна бир банкка нисбатан тергов ҳаракатларини бошлаб юборди. Ахборотларда банкнинг номи тергов сири сифатида қайд этилмаяпти. Германия прокуратураси ходимларининг тахминича, давлат хизматчилари ҳамда катта маблағга эга тадбиркорлар солиқлардан бўйин товлаш мақсадида «LGT» банки сингари бу банкда ҳам ўз ҳисоб-рақамларини очган бўлишлари мумкин.

Аввалроқ, Германия прокуратурасига Лихтенштейндаги «LGT» банкининг немис мижозлари тўғрисидаги сирли маълумотлар келиб тушган. Мазкур маълумотлар ушбу банк ходими томонидан ўғирланган. Кейин маълум миқдордаги маблағ эвазига ундан сотиб олинган. Германия прокуратурасининг бу хатти-ҳаракатига нисбатан Лихтенштейн томонидан кескин норозилик билдирилган. Уларнинг айтишича, шу тариқа Германия князликнинг суверенитетини бузмоқда.

26 февралда Германия прокуратураси сотиб олинган ушбу маълумот билан қизиққан барча давлатлар билан «ўртоқлашишга» тайёр эканлигини билдирган. Лихтенштейн банкининг ахборот базасига қизиқишни Финляндия, Швеция, Норвегия ва АҚШ солиқ идоралари билдиришди. Бир кун аввал Буюкбритания солиқчилари, ушбу ахборотлар базасининг ўзларига тааллуқли қисмини 100 минг фунт стерлингга сотиб олишганини маълум қилишди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур ахборотлар базасида юқоридаги давлатлардан ташқари Франция, Канада, Испания, Италия, Австралия ва Янги Зеландиялик мижозлар тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Лихтенштейннинг «LGT» банки собиқ хизматчиси Генрих Кибер ахборотлар базасини ўғирлаб чиқиб, Германия прокуратурасига 4,2 миллион еврога сотган. Ҳозирда қалбаки ҳужжатлар ёрдамида Австралияга кўчиб кетган.

Далилларга асосланиб...

Сешанба куни Лондон суди аёлларга такрорий ҳужум қилган 39 ёшли Леви Беллфилдни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. «Sky News» телеканалининг хабар беришича, икки талабанинг умрига зомин бўлган, шунингдек, мактаб ўқувчисига ҳужум қилган қотил Буюкбритания қонунчилигида назарда тутилган энг оғир жазони олган.

Буюкбритания олий суди вакилининг айтишича, суд тергов жараёни давомида тўпланган барча далилларни инобатга олиб, Беллфилдни айбдор деб топди. 19 ёшли Марш Макдонел ҳамда 22 ёшли Амели Делагранж бошнинг орқа мия қисмига оғир, тўмтоқ жисм билан етказилган зарба натижасида ҳалок бўлишган. Мактаб ўқувчиси Кейт Шиди эса унга қилинган ҳужум оқибатида кучли руҳий ҳолатни бошидан кечирган. Айблов хулосасига қараганда, жиноятчи қизларга автобус бекатларида тегажоқлик қилган, кейин эса «қурбони»нинг изидан пойлаб бориб ҳужум қилган. Бу Беллфилд ишининг судда кўрилган, терговда ажратиб олинган бир қисми, холос. Терговчиларнинг тахминича, у 20 тача ҳужумни амалга оширган. Ҳозирда бошқа ҳолатлар юзасидан тергов-суриштирув ишлари давом этмоқда.

Ўз навбатида, Беллфилд ўз айбини инкор этаяпти. Унинг айтишича, у хато ва тушунмовчиликлар қурбонига айланган экан. Шунингдек, норозилик тарзида жиноятчи ўз ҳукми ўқилишида иштирок этишдан ҳам бош тортган. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 22 февраль куни Буюкбританияда яна бир қотил умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилганди. Ипсвич шаҳрида яшовчи Стив Райт беш нафар аёлни ўлдирганликда айбдор деб топилганди.

Жабрланувчини таниган жиноятчи

Кинофильмларда гангстерлар шаҳри деб эътироф этиладиган Чикагода икки нафар шахси аниқланмаган жиноятчи «Hilton» меҳмонхонасида жойлашган замонавий либослар кўргазмаси ўтказиладиган залга ўғирликка тушди. «The Chicago Tribune» нашрида ёзилишича, ўғирлик содир этилган куни меҳмонхонада март ойида ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги мода шоусида қатнашиш истагидаги ёш моделларнинг танлови ўтказилаётган экан. Қизлар тарқалгач, мода саноатининг бир неча ишчилари қолган залга қуролланган икки шахс бостириб киради. Шоу ташкилотчиси Харви Вашингтоннинг таъкидлашича, босқинчилар ундан 20 минг долларни олиб қўйишган. Жиноятчилардан бири унинг исмини айтиб мурожаат қилган ва унда катта миқдорда нақд пул борлигини олдиндан билган. Умуман олганда, жиноятчилар Вашингтонга тегишли бўлган сумка ва пуллар ҳамда унинг ишчиларидан бирининг ҳамёнини олиб, жуфтакни ростлашган.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма прокурори Фахриддин Нуриддиновга волидаи муҳтарамаси **Раъно ЮНУСХОДЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Республика Бош прокуратураси жамоаси бошқарма прокурори Шерали Ашировга падари бузруквори **Тудамурод АШИРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура ҳайдовчиси **Жумабой ЮСУПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

АЁЛ ИЗИ

Сафар КАТТАБОЕВ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Эртаси. Соат 11 бўлаяпти. Жиноят қидирув ходимларидан дарак йўқ. Агарда бирон-бир янгилик бўлганда эрталабдан тапир-тупур этиб пайдо бўлишар эди. Демак Азиза ҳам, «бизнесмен» ҳам гапида қатъий турибди. Нима қилиш керак?

Шу пайт эшик секин тақиллаб, жиноят қидирув ходимларидан бири кўринди. «Мумкинми?» деб кириб, олдимга бир қоғозни қўяди.

— Нима бу, — сўрайман ундан.

— Қотиллик фош қилингани ҳақида тегишли карточка.

Аҳа, тушунарли. Демак бу ходим «разведка»га келган. Бор-чи, терговчи имзо қиладими ёки йўқми деб жўнатишган. Унинг олдига олиб келганқоғозини бирданига қайтариб ташлайман. Далилий ашёлар топилмас экан, қотиллик фош қилинган деб бўлмайди.

Ходим эътироз билдиради:

— Ахир икки киши бўйнига олиб турибди. Ҳозирча имзо қилиб бераверинг, вилоят ички ишлар бошқармасини тинчлантириб турайлик.

— Йўқ, вилоят ички ишлар бошқармаси тинчланадими ёки йўқми, мени муталақо қизиқтирмайди. Қачонки далилий ашё топилса, кейин имзо қиламан. Бугун улар бўйнига олади, эртага қайтиб кетади. Бунақаларнинг кўпини кўрдик. Қачонки уларнинг иқрорлик кўргазмалари далилий ашёлар билан ўз тасдиғини топмас экан, бизнинг қонун-қоидаларимизга кўра жиноят фош қилинган деб ҳисобланмайди. Тушунарлими?

Тортишиш бефойдалигини сезиб, у тишларини ғижирлатганича кабинетдан чиқади. Чиқа туриб сўрайди:

— Хўш, нима қилиш керак? Ана у икки иплос ўзиникини маъқуллаб турган бўлса.

— Нега мендан сўрайсан? Қанча одамларинг бор, шуларни ишлатинглар. Очиқ-ёпиқ, махфий-номахфий қанча тадбирларинг бор. Улар шундай пайтда иш бермаса, қачон иш беради?..

Вақт кетаяпти. Хўш, ҳозирча Азиза қарз олган одамлардан биронтасини сўроқ қилиб тургани маъқулдир. Эҳтимол бирон нарса аниқланиб қолар. Рўйхатга қарайман. Улардан фақат битта аёл сўроқ қилинмай қолган. Сабабини тергов гуруҳи аъзоларидан сўрайман. Келишдан бош тортаяпти? Нега? Елка қисишади.

Дарров ҳар қандай одамни ҳам, хоҳласа авраб, хоҳласа қўрқитиб олиб келадиган жиноят қидирув ходимини жўнатамиз. У ҳеч қачон «қуруқ» келмаган.

Айтганимиздек, бир соатдан сўнг бу ходим ўша аёл билан пайдо бўлди. Нега чақирганда келмаслик сабабини сўраймиз.

— Нима учун келишим керак. Шу вақтгача милициянга ҳам, прокуратурага ҳам бормаганман. Сизларга ишимиз тушгулик ҳам қилмасин. Одамлар нима деб ўйлайди?

—Нима, сиз милициянга ёки прокуратурага келишни ор деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ, нега ор деб ҳисоблар эканман. Лекин буларнинг иши бўйича чақиришибди деса, бу ҳам шунақа экан деб одамлар ўйламайдими?

Ҳа, ҳамма ўзининг дунёқараши бўйича фикрлайди. Шунинг учун асосий мақсадга ўтамиз. Нима учун чақирганимизни тушунтириб, у билан боғлиқ ҳолатни сўраймиз.

— Тўғри, Азиза мендан бир марта қайси бир тўйга бориб келай деб каттакон «барг» деган узугимни икки кунга олган эди. Лекин икки ҳафта бўлди ҳамки, қайтармади. Эримга айтишга қўрқдим. Чунки эрим «сен Нигора билан ҳам, Азиза билан ҳам гаплашма, улар уйга ҳам келишмасин», деб мени огоҳлантирган эди. Лекин мени қандай авраб, узугимни олиб қўйганини билмай қолдим. Охири уйига бордим. «Ҳозир эрим уйда, қаерга нарса қўйганимни билиб қолса, кейин ўша жойдан топиб олади, икки соатлардан сўнг келинг, эрим уйда бўлмайди», деди. Мен қўрқа-қўрқа эрим билиб қолмасин деб яна Азизаникига бордим. У бирдан қидиришга тушди. Лекин тополмади. Мен айвонда ўтирибман. Охири ичим қизиб у қидираётган хонага қарасам, ёстиқларнинг ичини ағдар-тўнтар қилаётган экан. Қайси ёстиқнинг ичига тиққанини ёдимда йўқ дейди. Охири битта ёстиқ ичидан узугимни топиб берди. Шундан кейин мен у билан гаплашмай қўйдим. Бошқа нарса берганим ҳам йўқ.

Аҳа! Демак илгари ёстиқ ичига яширган! Ҳозир ҳам шундай қилган бўлса-чи? Эҳтимол бу ҳолатдан уни сўроқ қилишда фойдаланса, бирон натижа берар? Бир урениб кўриш керак.

Мана, қаршимда яна Азиза билан «бизнесмен». Иккаласининг ҳам асаби таранг. Иккаласи ҳам бола-чақаси-ю, худони ўртага қўйиб қасам ичмоқда. Азиза унга бердим дейди, у эса йўқ дейди.

Унга дабдурустдан ёстиқ тўғрисида савол беришдан маъно йўқ. Шунинг учун шошмасдан, унинг уйида тинтув даврида туширилган фотосуратларни бирма-бир қарай бошлайман. Азизанинг ҳам кўзи тушаяпти.

— Сиз ёлғон гапираяпсиз, — дейман Азизага.

— Нега, — у кўзини фотосуратлардан узмасдан сўрайди.

— Ҳозир исботлаймиз. Сиз айтдингиз-ки, мана бу «бизнесмен»дан уч марта пул қарз олдим, ҳозирги кунгача «проценти» билан бир миллионга яқинлашди деб. Мана, Нигорада ўша куни бўлган тилло тақинчоқлар. Хўш, шундай экан, сиздан бу киши сўрамайдими, бу тилло тақинчоқларни қаердан олдинг, ахир ўзинг мендан пул қарз бўлиб юрган бўлсанг деб. Бу билан сиз ўзингизни сездириб қўяман деб ўйламадингизми?

— Бу кишига фарқи йўқ, пули қайтса бўлди, қаердан олдинг деб сўрамайди. Мен унинг қарзидан қутулсам бўлди-да.

— Шундай ҳам дейлик, бу кишига тилло тақинчоқларни олиб боргунча уларни қаерга қўйдингиз? Ахир ўша кечаси ҳеч қаерга чиқмасдан уйқу дори ичиб ухлагансиз. Бирон жойга қўйишингиз керак-ку.

— Тақинчоқларними? — довдираб қолди Азиза ва яна сўради. — Тақинчоқларними, шифонернинг тортмасига қўйдим.

— Яна ёлғон гапирдингиз, ахир шифонер тортмасини уйдаги ҳар қандай одам бирон нарсани излаб топиб олиши мумкин. Эҳтимол ёстиқ-постиқнинг ичига тиққандирсиз. Биласиз-ку, ҳозир бизга ҳар қандай нарсани қидириб топадиган «импортний» аппаратлар келиб қолган. Аммо ўзингиз қилмишингиздан пушаймон бўлиб, ўз қўлингиз билан топиб бермасангиз, нафақат сизнинг айбингиз енгиллашади, ана у бўлажак қуёвингизга ҳам фойдаси бор. Бўлмаса сизга ҳам, унга ҳам тинчлик йўқ. Наҳотки шуни тушунмайсиз.

Азизанинг буткул овози ўчди. Индамай уни кузатамиз. У ҳам диққат билан қараб турибди. Бироздан сўнг тилга кирди.

— Ёстиқ дедингизми?

— Ҳа, ёстиқ, энди буёғини ўзингиз гапиринг.

Ҳамма жим. Ниҳоятда таранг вазият. Ниҳоят секин «мумкинми» деб гапга «бизнесмен» аралашди.

— Азизажон, агар сен қамалиб кетсанг ҳам бола-чақаларингдан ўзим хабар олиб тураман, фақат мени қийнама, менга сенинг бир сўминг ҳам керак эмас, қарзимдан кечдим, уят бўлса ҳам айтай, «геморой» касалим очилиб кетиб расво бўлиб ўтирибман, раҳмим келсин. Илтимос, ҳали уйимга нима деб бораман?

Ниҳоят Азиза тилга кирди:

— Битта сигарет берингланг.

Унга жиноят қидирув ходими яқинлашади.

— Нима дединг, сигарет дедингми? Соқолимни кўраяпсанми, уч кундан бери уйимга борганим йўқ. Йўлнинг нариги томонида сартарош бор, боришга вақтим йўқ. Сен ҳали сигарет ҳам чекасанми, бошқа нарса керак эмасми?

— Бўпти, топиб бераман. Нима бўлса бўлди энди.

Ҳамма эркин нафас олади. Айниқса «бизнесмен». У ҳатто кўзларига ёш олар экан, секин дейди:

— Бир жойда ўқиган эдим, қайси бир донишманд айтган экан шекилли, фалокат уч нарсада: уловда, яна нимададир деган, ҳозир ёдимдан чиқди, учинчиси хотинда деб. Ҳақ рост экан, мана ўзимнинг бошимга тушиб турибди. Уйимга қандай бораман? Бундан кейин бегона аёлларга кўз олайтирсам...

Бироздан сўнг «бизнесмен» Азизадан сўрайди:

— Нега мени бу ишларга аралаштирдинг? Нега шунча одамни уйимга олиб бординг? Ҳали ҳам тушунмаяпман, мен сенга нима ёмонлик қилгандим?

— Ҳеч қандай ёмонлик қилганинг йўқ. Мен Нигорани, сен билан «бизнесмен» Аликни холи жойда учраштираман, сенда зарур гапи бор экан деб алдаб, Ботирникига олиб борган эдим. Уйингга орган одамларини олиб боришимга сабаб, сенинг пулинг кўп, альбомларни кимга қайтарайлик деб айбланувчидан сўрайман. Азиза катта қизимга қайтаринг деб айтар экан, менинг бир илтимосим бор, уйимга шу ердан ўзим телефон қилай, болаларимнинг овозини бир эшитай, болаларим учун «сюрприз» бўлсин, дейди.

Рухсат берамиз. Телефонни ўғли олди шекилли, ғўриниб гаплаша бошлади:

— Асси, Ассижон яхшимисан? Мени танияпсанми, танимадинг, онангман-ку! Яхшимисан болажоним? Шу ердан, шаҳар прокуратурасидан телефон қилаяпман, бораман, бораман. Нега индамайсан? Асси, нима йиғлаяпсанми? Ўғил бола ҳам йиғлайдими? Гапир, нега гапирмайсан, бўлмаса опангни чақир... Диля, яхшимисан, укаларинг яхшими? Ўзинг нима қилаяпсан, мени сўрама. Ҳеч кимни бу ерга тушгулик қилмасин экан. Ана у, мол даданг қаерда?.. Йўқ! Неча кундан бери йўқ? Биламан, унинг қаёққа йўқолганини. Сенинг ҳамма гапдан хабаринг бор. Укаларингга қара. Асси мактабга бормаяпти. Нега бормайди? Болалар онанг ўғри, Нигор холани ўлдириб узугини олган, дейишаяпти? Қайси бола айтибди? Сашка. Сашканинг онасининг ўзи бузуқ-ку! Кимлар билан юришини мен биламан. У Сашка-пашкалар билан ўзинг гаплашиб қўявермайсанми? Айттин, Асси мактабга борсин. Чақиргин, ўзим айтаман. Келмаяпти, йиғлаб ўтирибди? Уф, қўлига пул-мул бер, ўзингга қара. Ўғил болалардан ҳам сени кўпроқ ўйлайман. Ўзингга эҳтиёт бўл, тушундингми? Менинг ички кийимларимни милицияхонага олиб кел. Овқат керак эмас, ўзларинг енглар. Мени эртага яна Бухорога этап қилиб, турмага олиб кетишса керак. Энди судга олиб келишар экан. Хўп, майли, гапим жуда кўп. Нима қилай, рухсат беришмаяпти, кўп гаплашманг деб. Хайр, укаларингга қара. Фотоальбомларни терговчи тоғангдан келиб олиб кетгин. Хайр, хўп!

Азиза уф тортиб, ғўшакни жойига қўйди. Бироз паришон ўтиргач, фотоальбомларни бир варақласам бўладими деб илтимос қилди. Унга рухсат бераман. Аммо, соқчилар унга тез бўлинг, кеч бўлиб қолди, машинамиз ҳам келмаган, ёнилғи йўқ эмиш. Сизни пиёда милиция бўлимигача олиб кетишимиз керак. Кечаси олиб юриш мумкин эмас деб шошилтира бошлашди.

Азиза фотоальбомларни тез-тез варақлаб, унинг ичидан битта фотосуратни кўрсатиб, олсам майлими деди. Нима қиласиз деб сўрайман. Турмада, камерада бирга ётган қизларга менинг сочим жуда ҳам узун ва қалин бўлган десам ишонишмаяпти, олиб бориб кўрсатаман дейди. Рухсат бераман ва ўзим ҳам олиб қарайман.

Йўғон ўрилган сочини олдига ташлаб, кўзлари чақнаб, ўйноқи нигоҳи билан маъноли боқиб турган бокира қиз. Қоп-қора сочига қизил гул қадалган. Қўлида ҳам бир дона қизил гул. Уни ҳидлаётгандек хиёл эгилган. Пешонасида эсда думалоқ қизил хол. Ўша вақтларда шундай расмга тушиш удум бўлган, худди ҳинд қизларига ўхшаб. Ҳаёт ва унинг гўзаллигидан завқ-шавқ-қа тўлган, не-не ширин ўй, хаёллар, романтик орзулар гирдобида!

Унга бу расмни қайтариб берар эканман, биздаги, ҳозирги фотосурати билан таққослайман. Махсус қоидалар асосида иккала ён томонидан ва олдидан олинган фотосуратлар. Уларда энди гул йўқ. Қўлида исм фамилияси, туғилган йили ёзилган тахтачани қўқрагида тутиб турган, аянчли ва тушкун аҳволда. Пароканда ва паришон хаёллар гирдобида, хаётга маъносиз ва мазмунсиз кўзлари билан боқаётган — қотил аёл.

(Тамом).

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 155. 27905 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 23.00 2 3 4 5 6 7 8